



ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Бекимбетова Дильфуза Оралбаевна

Қорақалпоғистон Республикаси Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7203620>

ARTICLE INFO

Received: 01st October 2022

Accepted: 05th October 2022

Online: 15th October 2022

KEY WORDS

Демократия, фуқаролик
жамияти, стратегия,
нодавлат нотижорат
ташкilotлар, фаол
фуқаролик позиция, сиёсий
партиялар, ўзини ўзи
бошқариш органлари,
жамоатчилик назорати,
«учинчи сектор».

ABSTRACT

Мақолада фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоатчилик ташкilotлари ва фондлари, нодавлат нотижорат ташкilotлари, мустақил оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини кафолатлайдиган қонунчилик базаси яратилганлиги тўғрисидаги фикрлар билдирилган.

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш демократик давлат барпо этишнинг муҳим шартидир. “Демократия” сўзи том маънода “халқ ҳокимияти” деган маънони англатади. Айнан фуқаролик жамияти инсонга у ҳокимият эгаси, ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи эканини ҳис қилиш имконини беради. Демак, демократиянинг ривожи фуқаролик жамиятини ҳам тараққий этишини тақозо этади.

Фуқаролик жамияти эркин фуқароларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиш соҳаси бўлиб, ихтиёрий равишда шаклланган ташкilot ва бирлашмалардан ташкilot топади ҳамда давлатнинг аралашувидан холи бўлади. Ижтимоий ҳаракатлар, ОАВ, партиялар,

касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкilotлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ижодий уюшмалар – фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг асосий мақсади – инсоннинг турли манфаат-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, унинг салоҳиятини юзага чиқаришдан иборат. Зеро, фуқаролик жамияти институтлари жамиятдаги айрим муаммоларни мустақил равишда, қонуний йўл билан, давлатнинг аралашувисиз ҳал қилишга қодир бўлади. Ўзини ўзи бошқариш ва қатъий интизом – фуқаролик жамиятининг пойдеворини ҳосил қилади. Инсон, унинг манфаатлари, шаъни ва кадр-қиммати фуқаролик



жамиятининг олий қадриятлари сифатида тан олинади.

Фуқаролик жамиятида давлат ва ҳокимиянинг алоҳида функциялари, фуқаролик жамияти институтларининг эса алоҳида функциялари бўладик, улар бир-бирларини тўлдириб, юксак ривожланган жамиятнинг яшовчанлигини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек “Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда” [1,42].

Нодавлат ташкилотларини ҳаракат доираси, ёхуд белгиланган фаолиятлари тегишли меъёрлар ва қоидалар асосида узлуксиз асосда ташкил этилиб борилиши лозим. Нодавлат нотижорат ташкилотлари шахс ва жамият ўртасидаги барқарор муносабатлар, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштироки, уларнинг жамият иши учун масъулиятларини

ошиб боришлари учун асос бўладиган ижобий қадриятлар яратмоқда. Жамият ҳаётининг кўпгина жабҳаларида уларнинг ўзига хос ўрни, салмоғи ва таъсири сезилмоқда, инсон такомилли ҳамда турмуш фаровонлигига ўзига хос замин яратилмоқда.

Фуқаролик жамиятининг асоси - жамоат ташкилотлари ҳисобланади. Шунингдек, фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири - бу нодавлат тизимидаги барча жамоат ташкилотларига аъзоликнинг ихтиёрий шаклда бўлишидир. Бу қоида, биринчидан, шу жамиятдаги демократиянинг юқори даражасини намоён қилса, иккинчидан, жамият аъзоларининг ижтимоий онги ва фаолликлари юксаклигини билдиради. Қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзи кирмоқчи бўлган ташкилот фаолиятида ўзининг манфаатлари ва эҳтиёжларига мос мақсадларга эришишига ишонч ҳосил қилганидан сўнггина шу ташкилотга ихтиёрий равишда аъзо бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги жамоат бирлашмалари бозор иқтисодиётига ўтиш, ҳуқуқий давлат, демократик ва фуқаролар жамиятини барпо қилишда давлат ва унинг органлари билан ҳамкорлик қилиши, ўз-ўзини бошқариш воситасида турли хил ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифода этиши ва уларни қондириши, халқ орасида демократик ғоя ва қоидаларни тарғиб қилиши бугунги даврнинг долзарб вазифасидир.

Фуқаролик жамиятининг моҳиятини чуқурроқ англаш учун унинг давлат билан ўзаро муносабатига ойдинлик киритиш лозим. Давлат тузилмаларида бир марказдан бошқариш, вертикал бўйсунтиш



муносабатлари амал қилса, фуқаролик жамиятида ўзаро тенгликка, ихтиёрийликка, шахсий ташаббусга асосланган горизонтал муносабатлар устувордир. Айни пайтда давлат ва фуқаролик жамияти бир-бирига қарама-қарши бўлмай, бир-бирини тўлдиради. Шунинг учун ҳам демократик давлатларда фуқаролик жамияти институтлари қонун доирасида қўллаб-қувватланади ва ҳимоя қилинади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида ҳам фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга эътибор қаратилгани бежиз эмас. Зеро, давлат томонидан фуқаролик жамиятини ривожлантириш масаласининг стратегик вазифа сифатида илгари сурилиши жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг 49-банди Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлайди. Унинг ижроси ҳудудларда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ижтимоий шериклик лойиҳалари бўйича тадбирларни амалга ошириш кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Фуқаролик жамияти онгли, фаол фуқаролар томонидан барпо этилади. Фаол фуқаролик позициясига эга инсон жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни кузатади, уларнинг сабаб-оқибатлари ҳақида мушоҳада юритади, мавжуд муаммоларнинг ечимини излайди. Бундай инсон фуқаролик

масъулияти туйғусининг кучлилиги билан ажралиб туради. Фуқаролик жамияти институтларига аъзолик шахсий даромадни кўпайтиришга хизмат қилмайди. Чунки ташкилотнинг даромади унинг аъзолари ўртасида тақсимланмасдан, шу ташкилот фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилади.

Ривожланган мамлакатлар ва миллий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, фуқаролик жамияти барпо этишга жамият институтлари, бошқача айтганда ижтимоий-сиёсий институтлар фаолиятисиз эришиб бўлмайди. Тўғри, бу соҳада давлат ҳокимияти органлари энг асосий институтлар сирасига киради. Лекин, давлатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлик соҳасидаги сиёсати ва амалий фаолияти, фуқароларнинг бу йўналишдаги фаоллиги, албатта, жамият институтлари фаолиятининг ташкилий ва бошқа шакллардаги хатти-ҳаракатлари натижасидагина таъминланади.

Адабиётларда таъкидланганидек, “Ижтимоий давлат шароитида турли ижтимоий қатламларнинг уйғунлашуви, уларнинг умуммиллий манфаатларга киришуви фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг хусусияти, давлат хизмати сиёсий-маъмурий механизми хусусияти билан ҳам таъминланади. Шу аснода бирлашув жараёни фуқаролик жамияти институтларининг туманлар, вилоятлар ва марказ даражасида қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда улар устидан назоратда фаол иштирок этишни кўзда тутуди”[2,28].

Фуқаролик жамиятида сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш



органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа турли оммавий ҳаракатлар ўз фаолиятларида жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг дунёқараши ҳамда манфаатларини ифодалаган ҳолда фаолият олиб бориши натижасида фуқароларнинг жамият бошқаруви ва сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишлари учун зарурат туғилади, қолаверса, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги натижасидагина уларнинг сиёсий маданияти юксалиб боради.

1991 йилнинг 15 феврида Ўзбекистон Олий Кенгаши «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Мазкур қонун жамоат бирлашмалари фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга, уларни собиқ яккаҳоқим мафкурадан покланишига, шунингдек, жамоат бирлашмалари тизилмаларини давлат ва ҳукумат тизимидан ажратишга ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берди. Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида биринчи марта мазкур қонунда жамоат бирлашмаларининг мақсадлари халқаро ва демократик мезонлар асосида таърифлаб берилди: «Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, ҳуқуқий ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш...» [3,155] мақсадларида тузилади.

Мамлакат тарихида илк бор фуқаролик жамияти институтлари – жамоат бирлашмаларининг мустақиллиги, уларнинг давлат ва

ҳукуматдан алоҳида фаолият юритувчи ҳуқуқий субъект эканлиги тан олинди. Бу ҳолат фуқаролик жамиятига хос белгилардан бири эди. Қонунда давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашиши, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланди. Фуқаролик жамиятини барпо қилиш даврида жамоат бирлашмаларининг фаолияти асосан қуйидаги мақсадларни амалга оширишга қаратилган:

–жамоат ташкилотлари фаолиятининг Конституция ва мавжуд қонунлар доирасида бўлишини таъминлаш;

–жамоат ташкилотларининг фуқаролик жамиятини қуриш, сиёсий ва ижтимоий барқарорликни сақлаш, жамиятни ҳар томонлама ислоҳ қилиш ғояларини ҳаётга тадбиқ қилишда фаол иштирок этиши;

–ўз фаолиятининг устивор йўналишларини бозор муносабатларини ривожлантириш, жамиятимизда боқимандалик ва лоқайдлик каби иллатларни барҳам топтириш, халқимизда миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик, комил инсонни шакллантириш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик фазилатлари ва хислатларини шакллантиришга сафарбар қилиш;

–жамоат бирлашмалари аъзоларининг ўз низомларидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг манфаатларини қондиришга имкониятлар яратиш;

–жамоат ташкилотларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув



идоралари қарорларини тайёрлашда кенг иштирок этиши ва ҳқ.

Фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик фикрини ифодалайди, жамоатчилик назоратини амалга оширади. Жамоатчилик назоратининг мавжудлиги демократик давлат белгиси саналади. Бир томондан, жамоатчилик назорати давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилса, иккинчи томондан, фуқароларни давлат органлари, мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиш механизми вазифасини ўтайди.

Жамоатчилик назорати қуйидагиларда намоён бўлади:

- давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш (ҳар бир фуқаро давлат идорасининг ҳужжати билан бемалол танишиши мумкин, фуқароларнинг мурожаатлари дарҳол кўриб чиқиши ва уларга зудлик билан жавоб берилиши лозим);

- давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органларига юбориладиган петициялар;

- давлат ва жамият ишларида фуқароларнинг бевосита қатнашиши (асосан, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти орқали амалга оширилади);

- давлат сиёсатига таъсир ўтказувчи илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, илмий экспертизани амалга ошириш, таҳлилий ҳужжатлар тайёрлаш, публицистик асарлар чоп этиш, ижтимоий аудит);

- журналистик текширув;

- қонун лойиҳалари ва давлат ҳаётига оид муҳим масалаларни ошқора муҳокама қилиш;

- қонунчилик ташаббуси билан чиқиш (унга кўра фуқаролар қонун лойиҳасини тегишли субъектларга тавсия этиш ҳуқуқига эга) [4, 369].

Жамоатчилик назорати жамиятдаги иллатларни бартараф этишда муҳим ўрин тутаяди, мавжуд ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда самарали хизмат қилади. Жамоатчилик назоратида фаолиятнинг самарадорлиги ва натижаси, шунингдек, амалга оширилган назорат амалиётининг таъсирчанлиги муҳим ўрин тутаяди. Бу жиҳатдан, жамоатчилик назорати жамиятда мавжуд муаммолар ва ўз ечимини кутаётган зиддиятлар ҳақида объектив маълумот олиш ҳамда уларнинг мақбул ечимини топишга хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, жамтаочилик назоратининг самарадорлигини оширишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутаяди.

Ўзбекистонда нодавлат ташкилотларга доир қонунчилик ривожланган мамлакатлар тажрибаси, халқаро ҳуқуқий меъёрлар ва миллий анъаналар асосида шакллантирилган бўлиб, у ўзида демократик принциплар ва қадриятларни мужассамлаштиради. Мамлакатда давлат бош ислоҳотчи сифатида нодавлат ташкилотларнинг қонунчилик асосларини ҳар томонлама ривожлантиришга муҳим аҳамият бермоқда. Парламентда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришга доир юзлаб қонунлар ва бошқа ҳуқуқий меъёрлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг ичида Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни (1999 йил 14 апрель) нодавлат нотижорат ташкилотларнинг серқирра фаолиятини



ҳар томонлама мувофиқлаштириш ва ҳуқуқий жиҳатлардан таъминлашга қаратилди.

Қонуннинг 1-моддасида нодавлат нотижорат ташкилоти тузишнинг умумий мақсади ижтимоий фойдали манфаатларнинг қондирилиши эканлиги эътироф этилиб, бу билан нодавлат ташкилоти ўз фаолиятида халқчиллик принципига амал қилиши шарт эканлиги белгилаб қўйилди[5,15].

Мазкур Қонуннинг 2-моддасида «Нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчаси»нинг таърифи демократик қадриятлар асосида талқин қилинади: «Нодавлат нотижорат ташкилоти - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади»[6,14].

Ушбу қонунда нодавлат нотижорат ташкилотлар билан давлатнинг ҳамкорлиги шундай ўз ифодасини топганки, давлат органи, яъни парламент қонун қабул қилади, бу қонунга биноан «учинчи сектор» аъзолари ва жамият манфаатлари учун

хизмат қилади. Қонунда қайд этилган ижтимоий фойдали мақсад тушунчаси нодавлат ташкилотлар фаолиятини аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтиради. Давлат органларининг муҳим функцияларидан бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш эканлигини эътиборга олсак, бу соҳада давлат органлари билан нодавлат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги учун ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги намоён бўлади.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунга биноан нодавлат нотижорат ташкилотларининг мақсадлари қуйидаги йўналишлардаги фаолиятлар бўйича амалга оширилади:

-биринчидан, кенг маънодаги маданий мақсадларга эришиш кўзлаб тузилган. Бунда маориф, илм-фан, маданият соҳаларида фаолият олиб борилади;

-иккинчидан, мамлакат аҳолисининг сиҳат-саломатлигини таъминлашни кўзлаб фаолият юритиш (спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланувчи, турли хил хасталикларнинг олдини олиш ва уларни даволашнинг илғор тажриба ҳам усулларини тарғиб этувчи ташкилотлар);

-учинчидан, турлича фаолият йўналишидаги ҳуқуқни муҳофазаловчи ташкилотлар (масалан, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш жамияти);

-тўртинчидан, фуқароларнинг маънавий ва бошқа хилдаги номоддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ташкилотлар (носиёсий уюшмалар, ижтимоий жамғармалар ва бошқалар);



-бешинчидан, хайр-эҳсон ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар[7,16].

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари ва ҳамкорлиги ушбу Қонуннинг 4-моддасида қуйидагича таърифланади: «Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўрсатиши мумкин.

Қонуннинг мазкур 4-моддаси нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабати асосларини белгилаб беради. Давлат, бир томондан, қонуний асосда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлайди, иккинчи томондан, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш масъулиятини ўз зиммасига олади.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари амалга ошишини кафолатловчи шарт-шароитлар яратади, барча давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг зиммасига қонун талабларини сўзсиз ижро этиш вазифасини юклайди, зарур ҳолатларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳар хил тажовузлардан ҳимоялайди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини

ҳимоя этилишини мавжуд барча ҳуқуқий усуллар билан муҳофазалашга ҳақлидир.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётга ва унинг доимо тараққий этиб боришига жуда катта аҳамият берилади. Унинг асосий мақсади инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини, барча ҳаётий орзу-мақсадлари шу жамиятдаги сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институт, гуруҳ, оила ва бошқа жамоат бирлашмалари орқали амалга оширилишини таъминлашдир.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор амалий ишлар қилинган ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолият юритиши учун қонунчилик асосларининг яратилиши мазкур соҳага қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар жумласига “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунларни санаб ўтишимиз мумкин.

Шунингдек, мамлакатимиздада нодавлат нотижорат ташкилотлари сон жаҳатдан ҳам ўсиб бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд ҳамда 30 та халқаро ва хорижий ноҳуқумат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият юритмоқда[8,24].



ННТлар мамлакат фуқароларининг моддий ва маънавий фаровонлигини оширишда бевосита ва билвосита таъсир қила оладиган ташкилий тузилмалардир. Мазкур ташкилотлар муайян ҳудуд аҳолиси ва умуман жамиятга турли масалаларда кўмак беради. Жумладан, минтақавий, маҳаллий чегараларда муҳим муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, профилактик ишларда иштирок этишдан тортиб институционал миқёсдаги фаолиятларда иштирок этади. ННТлар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига билвосита таъсир кўрсатишда қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар доирасида турли механизмларни қўллашди, давлат органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади, жамоатчилик эксперти сифатида фаолият юритади.

Мамлакатда жамоат бирлашмалари тизининг қарор топиши фуқаролик жамияти учун хос бўлган инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини амалда таъминлаш жараёни билан ҳамоҳанг равишда кечмоқда. Миллий мустақиллик ва мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган туб ислохотлар натижаси ўлароқ, мамлакатда қисқа давр ичида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим талабларидан бири - демократик жамиятга хос бўлган жамоат бирлашмалари тизимлари қарор топди.

ННТ жамият аъзоларининг демократик асосда бирлашган уюшмалари бўлиб, улар ўз аъзоларининг сиёсий, ижтимоий ва ижодий манфаатларини ифода этади, фуқаролар

фаоллигини оширишда муҳим ўрин тутади. Мамлакатда фаолият юритаётган ННТ тизимидаги ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари, касаба уюшмалари ижтимоий адолатни рўёбга чиқариш, демократик тамойилларни ривожлантириш, умумбашарий муаммоларни ҳал этиш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш каби умуминсоний қадриятларни шакллантиришга кўмаклашмоқда, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, экологик ва бошқа долзарб масалаларни ҳал этиш улар фаолиятининг ўзагини ташкил этмоқда.

Маълумки, фуқаролик жамияти шароитида ННТнинг фаолияти кучайиб боради, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларда уларнинг фаолияти янада кенгайди. ННТ давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинадиган дастурлар ва қарорларни муҳокама қилишда, давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади. Улар ўз вакилларини сайловлар комиссиялари таркибига киритади, ўз номзодларини депутатликка ёки фуқаролар йиғинлари оқосоқоллигига (раислигига) қўйган шахсларга ўз муносабатларини билдиради. ННТ жамиятда кечаётган сиёсий жараёнларга бефарқ бўлмади. Уларнинг аъзолари сайловларда фаол қатнашишлари билан ўзларининг сиёсий жараёнларда намоён этадилар.

Фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш уларнинг сиёсий маданиятини шакллантиришнинг асосий компоненти эканлигига эътибор берсак, фуқароларни ижтимоийлаштириш ва сиёсий маданиятини оширишда сиёсий партиялар асосий ўринда турадилар.



Шунингдек, сиёсий партиялар ўртасидаги ўзаро муҳолифий муносабатлар жараёнида фуқаролар ўзларининг сиёсий фаоллигини оширишга зарурат сеза бошлайдилар.

Мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий омили сифатидаги ўрни ва ролини куйидагилар асосида кўрсатиш мумкин:

-вакиллик органлари ва ижроия ҳокимиятига кўрсатилаётган номзодлар юқори давлат органлари томонидан эмас, балки партия аъзолари ва уларнинг органлари томонидан кўрсатилади; бу жараёнда оддий фуқаролардан иборат партия аъзоларининг ташаббуслари эътиборга олиниши, уларда масъулиятнинг пайдо бўлганлиги уларни фаоллаштириш омили ҳисобланади;

-сиёсий партиялар фуқаролар ва ижтимоий қатламлар сиёсий манфаатларини ифодалашлари туфайли фуқаролар унга аъзо бўлиб, партия ёрдамида ўз сиёсий манфаатларини амалга оширишга имконият топадилар; фуқаролар ўзлари ёлғиз ўз сиёсий манфаатлари ва иродаларини ифодалай олмаслиги туфайли партияга аъзо бўлиб киради

ёки унга хайрихоҳ фуқарога айланади; бу жараёнда фуқаролар сиёсий жиҳатдан фаоллашади;

-фуқаролар сиёсий партиялар тарафдорлари сифатида сайловларда ўзлари мойил бўлган вакиллик органларига сайланадиган депутатлар номзодларига овоз беришда иштирок этади; турли партиялар томонидан турли номзодларни илгари сурилиши натижасида фуқароларда номзодлардан бирини танлаш ва уларни кўпроқ овоз

олишига хайрихоҳлик истаклари шаклланади; бу уларнинг мазкур жараёнга бефарқ эмаслигини, балки уларнинг сиёсий фаоллашганлигини англатади;

-кўппартиявийлик тизими шароитида фуқаролар бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида бевосита иштирок этадилар, ёки меҳнат жамоасида у ёки бу сиёсий партия таъсирига берилади; бу ҳолат уларни сиёсий фаоллашувига таъсир кўрсатади;

-фуқаролар сиёсий партиялар фаолиятида ёки улар мувофиқлаштираётган сайлов кампанияларида иштирок этадилар; бу жараён фуқароларни маълум даражада ижтимоийлашув даражасини оширади; бошқача айтганда фуқаролар сиёсий жиҳатдан маълум даражада фаоллашади;

- сиёсат нафақат давлат ташкилотлари ёки сиёсий партиялар, балки айрим олинган бир шахс билан ҳам “шуғулланади”, ёки бошқача айтганда ҳар бир шахс сиёсат билан шуғулланади. Чунки, Аристотель таъбири билан айтганда, “инсон ўз табиатига биноан сиёсий мавжудотдир”[9,378].

1991 йил 14 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун мамлакатда кўппартиявийлик тизими шаклланишининг ҳуқуқий жиҳатларини таъминлаб бериши натижасида мамлакатда янги сиёсий партияларнинг шаклланиш жараёнлари бошланди. Ўзбекистонда

кўппартиявийлик тизимини қарор топишида 1996 йил 25 декабрида Олий Мажлис қабул қилган “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонун муҳим



ўрин тутди. Қонун 17 та моддадан иборат бўлиб, унда сиёсий партияларнинг демократик қоидалар асосида фаолият юритишлари учун ривожланган мамлакатлар мезонлари талабларига хос бўлган ҳуқуқий асослар яратилди. Қонуннинг 5-моддасига биноан, “давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради” [10,12]. Шунингдек, сиёсий ҳаётда биринчи марта қонуннинг 12-моддасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилди: “Сиёсий партиялар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз ғоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш;

-сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш;

-қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;

-партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

-қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

-Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифоқ (блок) тузиш, улар билан ва бошқа

жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш” [11,15].

Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири, бу - сиёсий институтларда ва сиёсий жараёнларда турли хил фикрларнинг эркин ифода қилинишига ҳуқуқий асослар яратиб бериш, шунингдек, ҳуқуқий давлат фуқаролари - плюралистик фикрлашга қобил бўлган шахсларни шакллантиришдир.

2007 йилнинг 1 январидан кучга кирган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаб, сиёсий партиялар демократик тамойиллар асосида фаолият юритишлари учун имкониятлар яратди.

Бугунги кунда мамлакатимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон экологик партияси фаолият юритмоқда.

Шу тариқа, мамлакатда мустақиллик йилларида сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти органларидан мустақил равишда ривожланиши ва кенг фаолият кўрсатиши учун ижтимоий-сиёсий кенгликлар яратилди. Шу билан бирга, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси



“худудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган бир юз эллик депутатлардан иборат” бўлиши бу қондани Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунда мустақамлаб қўйилиши сиёсий партияларнинг мамлакат қонун чиқарувчи ҳокимиятини шакллантиришдаги ролини янада оширди.

Мамлакатда миллий мустақилликнинг илк даврида давлат томонидан амалга оширилган ислохотлар натижаси ўлароқ, фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган сиёсий партияларнинг демократик қадриятлар асосида фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асослар яратилди.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишнинг асосий омили сифатида муҳим аҳамият касб этади. Ўз ўрнида, фуқаролар фаоллигининг юксалиши жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш омили сифатида намоён бўлади. Чунки, ўзининг сиёсий манфаатлари ва эҳтиросларини сиёсий партиялар воситасида қондирган фуқаролар энди сиёсий ҳокимият органларига нисбатан эътирозлари ва улар фаолиятдан қониқмасликларидан воз кечадилар, шу тариқа, ҳокимият

органлари ва жамият ўртасида ўзига ҳос умумманфаатлар ва умуммақсадлар шаклланиб, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик турғун бир ҳолатга айланади.

Ўзбекистонда давлатнинг бош ислохотчилик фаолияти натижасида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг демократик тамойиллар асосидаги ҳуқуқий асослари шаклланди. Қисқа давр ичида мамлакатда фуқаролик жамияти қуришнинг пойдевори - конституциявий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди. Ислохотлар натижасида мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлар тизими шаклланди. Муҳими, «учинчи сектор» билан давлат ҳамкорлиги натижасида мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг мустақил фаолият юритиши, давлат ва жамият ишларини бошқариши учун кенг имкониятлар яратилди.

XXI аср бошларига келиб Ўзбекистон давлати ва халқи илғор ривожланган мамлакатларда фуқароларга эркинлик бағишлаган, шахснинг эркин камол топиши учун барча шарт-шароитларни яратган, жамиятнинг ҳамма жабҳаларини демократиялаштиришга қобил бўлган, ўзида халқчил миллий мерос ва анъаналарни ифодалаган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислохотларнинг янги босқичини чуқурлаштиришга киришди.

References:

1. Каримов И.А.. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т., “Ўзбекистон”, 2010.-Б.42
2. Ташанов А. Бошқарув ислохотлари ва раҳбар компанентлиги. Тошкент “Маънавият”, 2011. 28-б.



3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонунлари. 4-сон. -Т.: Адолат, 1993.-Б.155.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни. 5 май 2014 й.// http://senat.gov.uz/uz/laws/urq-369_05.05.2014.html.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни.// «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига шарҳлар.-Т.:Адолат, 2001.-Б.15.
6. Ўша жойда.-Б.14-16.
7. Эргашева Д. Фуқаролик жамияти такомиллаштиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни. <http://hudud24.uz/fukarolik-jamiyati-takomillashtirishda-nodavlat-notijorat-tashkilotlarining-orni/>
8. Аристотель. Политика // Соч.В 4-т.Т.4.-М.:Мысль, 1984. с.378
9. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, № 2 (1250), 1997.-Б.12. Ўша жойда.–Б.15.